

Апрель ойининг мавзуси: “Ер сайёраси- умумий уйимиз”

Гуруҳ		Кичик гуруҳ					
Хафта мавзуси		Ер сайёраси куни					
Муддати		Апрель ойининг 3-хафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Ер сайёраси ҳақидаги элементар билимларни шакллантириш. Маданий-гигиеник малакаларни тарбиялаш, ёш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда жисмоний машқларни тақсимлаш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Болаларни ер ва атроф-олам ҳақидаги билимларни ва қизиқишларни шакллантириш, табиатни асраш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Болалардаги оғзаки нутқнинг барча таркибий қисмларини лексик тарафлама ривожлантириш Нутқнинг грамматик тузилиши ва боғланган нутқ					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларни теварак-атрофга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга ўргатишда давом этиш. Бола фаолиятида ота-она ва атроф-муҳитнинг ўрни.					
	Ижодий ривожланиш	Болаларни бадиий эстетик қобилиятларини, тасаввурларини ривожлантириш. Предметлар ёрдамида таълимий ўйинлар.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Супача ясаш					Қурилиш материаллари ғиштчалар, леғолар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш			Бу қачон бўлади?			Йил фасллариға оид расмлар, карточкалар.
	Тил ва нутқ	Бу нима?					Мавзуга оид суратлар, карточкалар.
	Фан ва табиат		Баҳорги гулларни кузатиш (лола, настарин, нарғиз)				Баҳор гуллари (лола, настарин, нарғиз, бинафша) карточкалари
	Санъат			Лой: Пирамида ясаш	Расм: Гуллаган дарахт	Апплика- ция: Баҳор гуллари	Намуна, рангли бўёқлар, мўйқалам, оқ қоғоз, рангли қоғоз, елим
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

Апрель ойининг 3-хафтаси
Хафта мавзуси: “Ер сайёраси куни”

Қуриш ясаш ва математика маркази:

Супача ясаш

Мақсад: тарбияланувчилар асосий қурилиш материаллари (кубик, ғиштча, турли хил леголлар)ни фарқлаш ва номини айтиш ва қўллай олишга ўрганадилар. Майда қўл моторикаларини ривожлантирадилар.

Жиҳозлар ва материаллар: қурилиш материаллари, кубиклар, ғиштчалар, леголлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна билан танишиш.
2. Қурилиш материалларининг номини айтиш.
3. Супача ясаш.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: майда ўйинчоқлар бериб супачада ўйнашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: ўртоқлари билан дўстона муносабатда бўлиш, атроф-олам тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази:

Бу қачон бўлади?

Мақсад: тарбияланувчилар йил фасллари ва улардаги ҳодисалар ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлайдилар, тасаввурини кенгайтирадилар ва кизиқишларини оширадилар.

Жиҳозлар ва материаллар: баҳор, ёз, куз, қиш сураatlари, йил фаслларига оид расмли карточкалар (табиат, ўйинлар, кийим,), АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Йил фасллари сураatlарини кўриш.
2. Карточкаларни кўриш.
3. Йил фасллари сураatlарини танлаб олиш ва унга оид карточкаларни ажратиш.
4. Сураatlарни алмаштириш ўйинни давом эттириш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: ҳар бир фаслда қандай байрамлар нишонланишини аниқлашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: ҳаётимизга табиат ўзгаришларининг таъсири ҳақида маълумотлар бериш.

Тил ва нутқ маркази:

Бу нима?

Мақсад: тарбияланувчилар расмлардаги ўйинчоқлар, мевалар, кийимларнинг номлари, уларнинг хусусиятларини билдирувчи сўзларни тўғри ишлатишга ўргатадилар.

Жиҳозлар ва материаллар: кийимлар, мевалар ва ўйинчоқлар карточкалари, лycopчa, қутичa, пaднисчa, AҚТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Лycopчaдa мевалар, пaднисчaдa ўйинчоқлар ва қутичaдa кийимлар борлигини кузатиш.
2. Мевалар, ўйинчоқлар ва кийимлар карточкаларини кўриш.
3. Карточкалардаги тасвирни кўриб номини айтиш, лycopчa, қутичa ва пaднисчa уларни ажратиб қўйиш.
4. Карточкаларни алмаштириш ва ўйинни давом эттириш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: мевалар, кийимлар ва ўйинчоқларнинг бизгa нимa учун кераклигини айтишни таклиф этиш.

Эътиборгa молик жиҳатлар: атроф-муҳитгa эътиборли бўлишгa ўргатиш.

Фан ва табиат маркази:

Баҳор гуллари: лола, настарин, наргизни кузатиш

Мақсад: тарбияланувчилар ўсимликлар дунёси ҳақидаги билимларини кенгайтирадилар, гулларнинг барги, танаси, ранги ҳақида тушунчагa эгa бўладилар.

Жиҳозлар ва материаллар: баҳор гуллари, карточкалар, AҚТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Баҳор гулларини кузатиш.
2. Гулларнинг ранги, ҳиди, ўзини ушлаб кўриш.
3. Гулларнинг ўсиши, очилиши ҳақида видеолавҳa кўриш.
4. Гуллардан гулдастa ясаш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: турли хил гуллар тасвирланган карточкаларни кўришни таклиф қилиш.

Эътиборгa молик жиҳатлар: атроф-олам гўзаллиги, ранг-баранглиги ҳақида тушунчa бериш.

Санъат маркази:

Расм: Ракета парвози

Мақсад: тарбияланувчилар рангларни тўғри танлаб, қаламни босмасдан чизик четигa чиқмасдан текис бўйаш кўникмаларини мустаҳкамлайдилар.

Жиҳозлар ва материаллар: ракета шакли туширилган қоғоз, рангли калам, ракета сурати ва ўйинчоғи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ракета сурати ёки ўйинчоғини кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Иш жараёни.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: болаларга ой, юлдузлар наклеикасини бериб ўз расмларини бойитишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: тасаввур доирасини кенгайтириш.

Санъат маркази:

Лой: Пирамида

Мақсад: тарбияланувчилар уч бўлак лойни кафтлар орасида думалоқлаб босиб, катта-кичиклигига қараб тўғри жойлаштириб пирамида ясашга ўрганадилар, майда қўл моторикасини ривожлантирадилар.

Жиҳозлар ва материаллар: лой ёки пластилин, пирамида ўйинчоғи, тахтача, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Пирамида ўйинчоғини кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Болалар фаолияти.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: ўйинчоқ пирамидаларни йиғишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: болаларнинг “катта”, “кичик”, “ўрта” тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Санъат маркази:

Расм: Гуллаган дарахт

Мақсад: тарбияланувчилар мўйқаламга керакли рангдаги бўёқни олиб тўғри чизиқлар орқали дарахт танаси, шохларини чизишга, мўйқаламни қўйиб олиш йўли билан барглари, гулларини чизишга ўрганадилар.

Жиҳозлар ва материаллар: рангли бўёқлар, мўйқалам, оқ қоғоз, салфетка, гуллаган дарахт расми.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гуллаган дарахт расмини кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Чизиш кетма-кетлиги билан танишиш.
4. Болалар иши.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: болалар ишларидан “Ўлкамизда баҳор” мавзусида кўргазма ташкил қилишини таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: Атроф-олам гўзаллигини ҳис қилишга, уни кузатишга ўргатиш.

Санъат маркази:

Аппликация: Баҳор гуллари

Мақсад: тарбияланувчилар тайёр шаклларни қоғозга тўғри жойлаштириб, елимдан ўринли фойдаланиб гуллаган майсазор кўринишини ҳосил қилишни ўрганадилар, ижодий қобилиятини ривожлантирадилар.

Керакли жиҳозлар: рангли қоғоздан турли хил гуллар ва майсалар шакли, оқ қоғоз, елим, салфетка, баҳор гуллари сурати.

Фаолиятнинг бориши:

1. Баҳор гуллари суратини кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Иш жараёни.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: қуёш наклейкасини бериб, ўз ишларини бойитишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: баҳор фаслидаги атрофдаги ўзгаришлар ҳақида тушунча бериш